ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИДАГИ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ СОҲАСИДА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ««Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ўсимликлар карантини соҳасида тадбиркорлик субъектларининг рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мақсадлари, моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 29 январь,
65-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги

## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**дегазация** — ўсимликлар карантини объектларини кимёвий воситалар газлари билан зарарсизлантириш (фумигация) муддати тугагандан кейин ушбу герметик ёпилган объектда заҳарли газ ҳолидаги моддаларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар;

**карантин рухсатномаси** — ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ёки ҳудудидан

транзит тарзида олиб ўтилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**фитосанитар сертификати** — экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг ҳар бир транспорт бирлигига бериладиган ва ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотнинг ўсимликлар карантинидаги объектлар билан зарарланмаганлигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳужжат;

**фитосанитар талаблар** — ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни ўсимликлар карантинидаги ва бошқа зарарли организмлар билан зарарланмаган бўлиши ва ушбу зарарли организмларни тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар;

**фумигация** — ўсимликлар карантинидаги ва бошқа зарарли организмларни йўқ қилиш мақсадида ўсимликлар карантини объектларини кимёвий воситалар газлари билан зарарсизлантириш;

**транспорт бирлигини очиш далолатномаси** — ўсимликлар карантини назоратидаги импорт маҳсулотларининг карантин рухсатномасида белгиланган жойга етиб келганлигини текшириб, транспорт бирлигини очиш ва ўсимликлар карантини текширувидан ўтказиш учун бериладиган ҳужжат;

**ўсимликлар карантини** — қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар дунёсига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларнинг кириб келиши, тарқалиши ҳамда зарар етказишининг олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларини амалга оширишга қаратилган тадбирлар мажмуаси;

**ўсимликлар карантини кўриги далолатномаси** — транспорт бирлигини очиш далолатномаси берилган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларда ўсимликлар карантиндаги ва бошқа зарарли организмлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат;

**ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар** — ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулотлари, ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларни олиб ўтувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва юклар;

**ўсимликлар карантини текшируви** – ўсимликлар карантини объектларидаги зарарли организмларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва қабул қилиш жойларини ҳамда уларга туташ ҳудудларни, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган, ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерларини текшириш.

3. Ўсимликлар карантини тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни, ўсимликлар карантини қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда фитосанитар талабларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш, реализация қилиш ҳамда республикага олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўсимликлар карантини профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш бўйича масъул ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва унинг ташқарисига олиб чиқиладиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар рўйхати мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

## 2-боб. Ўзбекистон Республикасига ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни олиб кириш

6. Ўзбекистон Республикасига ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни, ўсимликлар карантини қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари, фитосанитар талаблари, ушбу Низом ҳамда карантин рухсатномаларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикасига ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни олиб киришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан берилган карантин рухсатномаси ҳамда экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси бўлган тақдирдагина рухсат берилади.

Ваколатли давлат органлари мавжуд бўлмаган экспорт қилувчи мамлакатдан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга Инспекция томонидан ҳар бир партияга алоҳида ҳолда бериладиган карантин рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

8. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар давлат чегара масканларида ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан назоратдан ўтказилиши шарт.

9. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши тақиқланган ёки фитосанитар назоратидан ўтказилмаган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳоллари аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотлар ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан мутахассислар иштирокида зарарсизлантирилиб, бу ҳақида далолатнома тузилади ҳамда манфаатдор тарафларга маълум қилинади.

10. Почта жўнатмаларида, шунингдек автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти экипажи аъзолари ва йўловчиларининг багажи (қўл юки)да Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан олиб ўтиш (транзит) тақиқланган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар мавжудлиги аниқланса, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур маҳсулотлар олиб қўйилиши ва багаж (қўл юки) эгалари иштирокида зарарсизлантирилиши ёки йўқ қилиниши лозим. Бунда ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан икки нусхада далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси маҳсулот эгасига топширилади.

11. Ўзбекистон Республикасига четдан киритилиши мумкин бўлмаган ўсимликларни экиш материаллари, ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ва уларнинг ҳудудлари рўйхатига киритилган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлардан истисно тариқасида, бегона ўтларнинг карантин турлари қайта ишланган ҳолда озуқа, ем-хашак ва илмий мақсадларда республикага олиб кирилишига рухсат берилади.

12. Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва савдо ваколатхоналарининг (кейинги ўринларда дипломатик ваколатхоналар деб аталади) номига юборилган ва Ўзбекистон Республикасига кириб келган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг намуналари умумий асосларда назоратдан ўтказилиши лозим.

13. Дипломатик ваколатхоналар вакилларига давлат чегарасидан ўтиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни назоратдан ўтказиш тартиби тушунтирилади.

14. Дипломатик ваколатхоналар номига юборилган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлардан ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан унинг эгаси (вакили) ва юк келиб тушган жойдаги божхона органи ходими иштирокида лаборатория текшируви учун намуналар олган ҳолда, улар ўсимликлар карантини назоратидан ўтказилади. Мазкур юкларга экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан берилган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси илова қилинган бўлиши лозим.

15. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотнинг намуналарида ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлар билан зарарланиш белгилари мавжуд бўлса, улар экспертиза учун тегишли карантин лабораторияларига топширилади. Ушбу намуналарда карантиндаги ва бошқа хавфли заркунандалар, ўсимлик касалликлари ҳамда бегона ўтлар мавжудлиги аниқланса, уларни зарарсизлантириш ёки юк жўнатувчига қайтариб юбориш шарт, юк жўнатувчига қайтариб юборишнинг имконияти мавжуд бўлмаса йўқ қилиниши

лозим. Бу ҳақида ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан алоҳида далолатнома тузилади ва манфаатдор тарафларга уч иш кунида маълум қилинади.

16. Дипломатик ваколатхоналар номига озиқ-овқат сифатида фойдаланиш мақсадида келиб тушган ўсимлик маҳсулотлари учун фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси мавжуд бўлса, лаборатория текширувидан ўтказилгандан кейин карантиндаги зарарли организмлар мавжуд бўлмаса, зарарсизлантирилмаган ҳолда улардан фойдаланишга рухсат этилади.

## 3-боб. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ва транспорт воситаларини назоратдан ўтказиш

17. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ва транспорт воситалари ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан давлат чегарасидан ўтиш жойларида ташкил этилган ўсимликлар карантини чегара масканларида назоратдан ўтказилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасига транспорт воситалари (автомобиль, дарё ва ҳаво транспорти ҳамда темир йўл вагонлари ва контейнерлари) орқали олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни ҳамда почта жўнатмаларини қабул қилиб олишда бевосита иштирок этадилар.

*(17-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги 136-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 09/21/136/0207-сон — 2021 йил 1 апрелдан кучга киради)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар туширишга қадар биринчи марта (бирламчи) карантин кўригидан ўтказилади.

*(18-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу маҳсулотларни иккинчи марта (иккиламчи) карантин кўригидан ўтказиш эса божхона ҳужжатлари расмийлаштириладиган ҳудуддаги ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги транспорт бирлигини очиш далолатномаси расмийлаштирилган ҳолда ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов амалга оширилгандан сўнг ўсимликлар карантини кўриги ёки лаборатория текшируви ўтказиш учун улардан белгиланган тартибда намуналар олиш йўли билан амалга оширилади.

*(18-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситалари ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан биринчи марта (бирламчи) карантин кўригини ўтказишда унинг ташқи қисми ва муҳрланмаган бошқа карантин назоратидаги маҳсулотлар олиб кириши мумкин бўлган жойлари карантин кўригидан ўтказилади.

Карантин остидаги маҳсулотнинг карантин текшируви ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан божхона назорати ҳудудида уларни тушириш ва божхона идентификация воситасини олиб ташлаш жойида ўрнатилган тартибда карантин кўриги ёки лаборатория текшируви ўтказиш учун карантин остидаги маҳсулотдан намуна олиш орқали амалга оширилади.

*(18-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

19. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг юзасида карантиндаги зарарли организмлар мавжуд бўлмаса, ўсимлик маҳсулотларининг фитосанитар ҳолатини аниқлаш учун ўсимликлар карантини чегара масканлари инспекторлари юк партияларидан белгиланган тартибда намуналарни танлаб олади ва назоратдан ўтказади.

Олинган намуналарда ўсимликлар карантини кўриги ёки лаборатория текшируви натижасида ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларда ўсимликлар карантинидаги ва бошқа зарарли организмлар мавжуд эмаслиги аниқланса, ушбу юкдан фойдаланиш учун ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур Низомга 2а-иловага мувофиқ шаклдаги ўсимликлар карантини кўриги далолатномаси расмийлаштириб берилади.

20. Юк ва транспорт воситаларида карантиндаги зарарли организмлар борлиги аниқланса, уларнинг намуналари тасдиқлаш учун тегишли ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади. Ушбу зарарланган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни белгиланган тартибда зарарсизлантириш ва юк жўнатувчига қайтариб юборишнинг имконияти мавжуд бўлмаса йўқ қилиниши лозим.

21. Ўзбекистон Республикасининг чегара масканига етиб келган автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти экипажи аъзолари қўл юкида ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлари бор-йўқлигини кўрсатишлари ва агар мавжуд бўлса, уларни карантин назоратидан ўтказишлари шарт.

22. Автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти воситалари ва уларнинг юк хонасини очиб кўриш чегара масканидаги ўсимликлар карантини давлат инспектори талабига биноан ушбу транспорт воситаларининг вакиллари, ҳайдовчилар ёки юк эгалари билан биргаликда амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

23. Ўзбекистон Республикасига кириб келган транспорт воситалари (автомобиль, дарё ва ҳаво транспорти ҳамда темир йўл вагонлари ва контейнерлари) ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлардан бўшатилганидан кейин транспорт эгалари томонидан, юк олиб бориш мўлжалланган жойда эса юкни қабул қилиб олувчи томонидан тозаланиши лозим.

*(23-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги 136-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 09/21/136/0207-сон — 2021 йил 1 апрелдан кучга киради)*

24. Юк бўшатилган транспорт воситаларида карантиндаги зарарли организмлар борлиги аниқланса, ўсимликлар карантини давлат инспектори ушбу транспорт воситаларини зарарсизлантириш учун кўрсатмалар беради ва бажарилишини назорат қилади.

25. Транспорт воситаларидаги карантиндаги ёки бошқа хавфли зарарли организмлар билан зарарланган озиқ-овқат захиралари ўсимликлар карантини давлат инспекторининг кўрсатмаларига биноан транспорт воситалари билан биргаликда тўлиқ зарарсизлантирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши, омборхоналарда сақланиб пломба босиб қўйилиши лозим.

26. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган иккиламчи карантин кўригидан ўтказилганидан кейин, лаборатория экспертизаси учун зарурат бўлмаса, ушбу маҳсулотлар келиб тушган жойдаги ҳудудий ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан мазкур маҳсулотдан фойдаланиш шартлари тўғрисида хулоса чиқарилади ва бажарилиши шарт бўлган фитосанитар тадбирлари белгиланади.

27. Карантин ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар билан зарарланган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларга нисбатан зарарсизлантириш ва тозалашнинг самарали тадбирларини қўллашнинг имкони бўлмаса, улар белгиланган тартибда экспорт қилувчи мамлакатга қайтарилиши ёки йўқ қилиниши (махсус жойда ёқиб юбориш ёки чуқур қазиб кўмиб ташлаш йўли билан) лозим.

28. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар солинган почта жўнатмалари ва бандероллар Ўзбекистон Республикасига етиб келганидан кейин ўсимликлар карантини назорати ва лаборатория текширувидан ўтказилиши лозим.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28[1]. Карантин лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан қопланади.

*(28[1]-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

## 4-боб. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан транзит тарзида олиб ўтиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар транзит тарзида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ёпиқ ёки изотермик, ташишга яроқли ва пломбаланган вагонларда, автофургонларда, авторефрежератор ёки контейнерларда Божхона транзит режими тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳамда ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни очмасдан транспорт бирлигига далолатнома берилгандан сўнг олиб ўтилади.

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни очмасдан транспорт бирлигига далолатнома бериш учун ҳақ ундирилмайди.

*(29-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон)*

30. Ўзбекистон Республикасидан транзит тарзда олиб ўтиладиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар назоратдан ўтказилади.

31. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан транзит тарзида олиб ўтиш:

ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг товар партиялари Инспекция томонидан транзит учун бериладиган карантин рухсатномаларида белгиланадиган шартлар асосида (транзит юкка илова қилинган экспорт қилувчи мамлакатнинг фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси бўлиши лозим);

почта орқали, йўловчиларнинг қўл юкида бўлган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ўсимликлар карантини бўйича чегара масканидаги ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан назоратдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

## 5-боб. Транспорт воситаларини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан зарарсизлантириш ва тозалаш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

32. Транспорт воситалари (автомобиль, дарё ва ҳаво транспорти ҳамда темир йўл вагонлари ва контейнерлари)ни ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан зарарсизлантириш ва тозалаш зарурати ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан аниқланади.

*(32-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги 136-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 09/21/136/0207-сон — 2021 йил 1 апрелдан кучга киради)*

33. Транспорт ташкилотлари ёки юк қабул қилиб олувчилар чегара масканидаги ўсимликлар карантини инспекторининг кўрсатмаси асосида ўсимликлар карантини ҳудудий давлат инспекцияларининг махсус фумигация бўлинмаларига зарарсизлантириш тадбирлари ўтказиш учун талабнома беради.

34. Чегара масканларида транспорт воситаларининг барча турларида ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни фумигация ҳамда дегазация қилиш ишлари ўсимликлар карантини ҳудудий давлат инспекцияларининг махсус фумигация бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

35. Транспорт ташкилотлари ва юк қабул қилиб олувчилар томонидан транспорт воситалари ҳамда юкларни зарарсизлантириш учун зарарсизлантириш талаблари ва техника хавфсизлигига жавоб берадиган махсус жиҳозланган майдонлар ва бинолар ажратилади.

36. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар чет мамлакатлардан транспорт воситаларида зарарсизлантирилган ҳолда жўнатилганда, Ўзбекистон Республикаси чегара масканларидаги ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан уларнинг дегазация сифати текширилади.

37. Цитрус ўсимликлар меваларини рефрежерация қилиш ва уларни музлатгич камераларда зарарсизлантириш юкни қабул қилиб олувчилар томонидан ўсимликлар карантини давлат инспектори назоратида амалга оширилади.

38. Зарарланган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни фумигация, дегазация, рефрежерация қилиш ёки бошқа усулларда зарарсизлантириш (тозалаш, қайтариб юбориш ёки бошқа манзилга жўнатиш, йўқ қилиб ташлаш), юкларни, багажларни, почта жўнатмаларини очиш ёки қадоқлаш, уларни зарарсизлантириш жойларига олиб бориш ва у ердан қайтариб олиб келиш билан боғлиқ харажатлар юкни қабул қилиб олувчилар ҳисобидан қопланади.

## 6-боб. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлардан фойдаланиш шартлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқланган ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларга қарши курашиш

39. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни етиштирувчи, тайёрловчи, реализация қилувчи, қайта ишловчи, экспорт ёки импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг маҳсулотлар сақланадиган омборхоналари ҳар ойда бир марта ҳудудий ўсимликлар карантини давлат инспекциялари томонидан карантин назоратидан ўтказилади.

40. Зарур бўлганда, ўсимликлар карантини давлат инспекторининг хулосасига асосан хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантириш, тозалаш ва бошқа тадбирлар амалга оширилади.

41. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни етиштирувчи, тайёрловчи, реализация қилувчи, қайта ишловчи юридик ва жисмоний шахслар ўзлари жойлашган ҳудудларнинг фитосанитар тозалигини таъминлаш учун ўсимликлар карантини ҳудудий давлат инспекциялари билан келишиб, масъул ходим ажратишлари шарт. Ушбу ходим ҳудуддаги ўсимликлар ва сақланаётган ўсимлик маҳсулотларининг фитосанитар ҳолати бўйича кузатув олиб бориши, зарарланиш ёки зарарли организмлар аниқланган ҳолатда эса зудлик билан ўсимликлар карантини давлат инспекциясига хабар етказиши шарт.

42. Транспорт воситалари ва ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар сақланиб турган жойлар ўсимликлар карантини давлат инспектори талабига биноан юк ортилган транспорт ташкилотларининг вакиллари, юк эгалари иштирокида ўсимликлар карантини кўригидан ўтказилади.

43. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг рухсатисиз жойларда ўсимликлар карантини назоратидаги импорт маҳсулотларни бошқа ташкилотларга бериб юбориш ёки бошқа ҳудудларга жўнатишга йўл қўйилмайди.

44. Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини бўйича тузилган халқаро шартномаларига, шунингдек, савдо шартномалари ва импорт қилувчи мамлакатнинг фитосанитар талабларига жавоб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини тўғрисидаги халқаро шартномалари ва импорт қилаётган мамлакатнинг фитосанитар талаблари тўғрисидаги маълумотлар Инспекция расмий веб-сайтида эълон қилинади.

45. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқланган ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларга қарши курашнинг қуйидаги усуллари амалга оширилади:

ўсимликларнинг ўсиш даврида учрайдиган карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касаллик қўзғатувчилари ва бегона ўтларга қарши кимёвий, механик ҳамда бошқа қирувчи кураш чора-тадбирлари;

омборхоналар, ёпиқ бино ва иншоотларда ўсимликларни карантиндаги ҳашарот ва касалликларига қарши зарарсизлантириш ишлари (фумигация) ва бошқа чора-тадбирлар;

омборхоналарда сақланаётган ўсимлик карантини назоратидаги маҳсулотларда карантиндаги ёки заҳарли бегона ўт-уруғлари аниқланса, улар тозаланади ҳамда чиқиндилари ёқиб юбориш йўли билан йўқотилади;

карантин назоратидаги маҳсулотларда бегона ўт тури аниқланиб у заҳарли бўлмаса, уларни тозалаш натижасида чиққан чиқинди тегирмонда карантин бегона ўт-уруғларининг униш қобилиятини йўқотиш ҳолатига келгунча майдаланиб, чорва молларини озиқлантириш учун фойдаланилиши мумкин;

уруғ, кўчат ёки ўсимлик маҳсулотларининг карантин заракунанда, касаллик ёки бегона ўт уруғи билан зарарланганлиги аниқланса, уларни белгиланган тартибда зарарсиз ҳолга келтириш учун барча харажатлар юк эгасининг ҳисобидан амалга оширилади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

46. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва унинг ташқарисига олиб чиқиладиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар рўйхати

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

| ТИФ ТН бўйича коди | Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг номи |
|---|---|
| **I. Фитосанитар хавфи юқори бўлган карантин остидаги маҳсулотлар** | |
| **0106** | **Тирик ҳайвонлар (каналар, нематодалар, ҳашоратлар)** |
| 0106 41 000 8 | асаларилар, илмий-тадқиқот мақсадларида |
| 0106 49 000 1 | бошқалар, илмий-тадқиқот мақсадларида |
| **0601** | **Туганаклар, пиёзбошлар, туганаксимон илдизлар, туганак пиёзлар, илдизпоя, жумладан, вегетатив тиним ҳолатидаги, вегетация ёки гуллаш давридаги сертармоқлари; илдизсиз денгиз сувўтларидан ташқари, сачратқининг ўсимлик ва илдизлари:** |
| | пиёзбошлар, туганаклар, туганаксимон илдизлар, туганакпиёзлар, илдизпоя, жумладан, вегетатив тиним ҳолатидаги сертармоқлари; |
| 0601 10 100 0 | сувсумбуллар |
| 0601 10 200 0 | наргизлар |
| 0601 10 300 0 | лолалар |
| 0601 10 400 0 | илонгуллар |
| 0601 10 900 0 | бошқалар |
| | пиёзбошлар, туганаклар, туганаксимон илдизлар, туганакпиёзлар, илдизпоя, жумладан, вегетация ёки гуллаш давридаги сертармоқлари, ўсимлиги ёки илдизи: |
| 0601 20 100 0 | сачратқи ўсимлиги ва илдизи: |

| | |
|---|---|
| 0601 20 300 0 | орхидеялар, гулисумбуллар, наргислар ва лолалар |
| 0601 20 900 0 | бошқалар |
| 0602 | **Бошқа тирик ўсимликлар (жумладан, илдизлари), қаламчалар ва пархиши (0602 90 1000 дан ташқари)** |
| | илдиз отмаган қаламчалар ва пархиши: |
| 0602 10 100 0 | ток |
| 0602 10 900 0 | Бошқалар |
| | истеъмол қилинадиган мевали ёки ёнғоқли дарахтлар, буталар |
| | ва бутачалар, пайвандланган ёки пайвандланмаган: |
| 0602 20 100 0 | ток қаламчалари, пайвандланган ёки илдиз отгани |
| | бошқалар |
| 0602 20 200 0 | очиқ илдиз системали |
| 0602 20 300 0 | цитрусли |
| 0602 20 800 0 | бошқалар |
| 0602 30 000 0 | рододендронлар ва азалиялар, пайвандланган ёки пайвандланмагани |
| 0602 40 000 0 | атиргуллар, пайвандланган ёки пайвандланмагани: |
| | бошқалар: |
| 0602 90 200 0 | ананас ўсимлиги |
| 0602 90 300 0 | сабзавот экинлар ўсимлиги, ертутлар ва қулупнайлар |
| | очиқ ер учун ўсимликлар: |
| | дарахтлар, буталар ва бутачалар: |
| 0602 90 410 0 | ўрмон дарахтлари |
| 0602 90 450 0 | илдиз отган қаламчалар ва ёш ўсимликлар (ниҳоллар) |
| | бошқалар: |
| 0602 90460 0 | очиқ илдиз системали |
| | бошқалар: |
| 0602 90470 0 | игнабаргли ва доимо яшил |
| 0602 90 480 0 | бошқалар |
| 0602 90500 0 | очиқ ер учун бошқа ўсимликлар |
| | ёпик ер учун ўсимликлар |
| 0602 90 700 0 | илдиз отган қаламчалар ва ниҳоллар (кактуслардан бошқа) |

| | |
|---|---|
| 0602 90 910 0 | ғунчали ёки гулли гуллайдиган ўсимликлар (кактуслардан бошқа) |
| 0602 90 990 0 | бошқалар |
| **0603** | **Барра қуритилган, бўялган, оқартирилган, шимдирилган ёки бошқа усулларда тайёрланган гулдаста тузаш ёки манзарали мақсадлар учун ярайдиган кесилган гуллар ва ғунчалар** |
| | Барра (янгиси): |
| 0603 11 000 0 | атиргул |
| 0603 12 000 0 | чиннигул |
| 0603 13 000 0 | орхидея |
| 0603 14 000 0 | хризантема |
| 0603 15 000 0 | лилия *(Lilium spp).* |
| 0603 19 100 0 | илонгуллар |
| 0603 19 700 0 | бошқалар |
| 0603 90 000 0 | бошқалар |
| **0604** | **Барра қуритилган, бўялган, оқартирилган, шимдирилган ёки бошқа усулларда тайёрланган гулдаста тузаш ёки манзарали мақсадлар учун ярайдиган барглар, новдалар ва ўсимликнинг гулсиз ҳамда ғунчасиз бошқа қисмлари, ўтлар, мох (йўсин)лар ва лишайниклар:** |
| 0604 20 200 0 | рождество байрами дарахтлари |
| 0604 20 400 0 | нинабаргли дарахтлар новдаси |
| 0604 20 900 0 | бошқалар |
| | бошқалар: |
| 0604 90 910 0 | қуритилган, кейинги қайта ишлов талаб этилмайдиган |
| **0701** | **Янги ёки паст ҳароратда сақланган картошка** |
| 0701 10 000 0 | уруғлик |
| | бошқалар |
| 0701 90 100 0 | крахмал ишлаб чиқариш учун |
| | бошқалар |
| 0701 90 500 0 | ёш, 1 январдан 30 июнгача |
| 0701 90 900 0 | бошқалар |
| **0702 00 000** | **Янги ёки паст ҳароратда сақланган помидор** |

| | |
|---|---|
| **0703** | **Пиёз, шалот пиёзи, саримсоқ, кўк пиёз ва бошқа пиёзбошли сабзавотлар, барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| 0703 10 110 0 | нўшпиёз |
| 0703 10 190 0 | бошқалар |
| 0703 10 900 0 | шалот пиёзи |
| 0703 20 000 0 | саримсоқ |
| 0703 90 000 0 | кўк пиёзи ва бошқа пиёзли сабзавотлар |
| **0704** | **Бош карам, гулкарам, кольраби, барг карам ва Brassica уруғига мансуб шунга ўхшаш истеъмол қилинадиган сабзавотлар, барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| 0704 10 000 0 | гулкарам ва брокколи |
| 0704 20 000 0 | брюсель карами |
| | бошқалар: |
| 0704 90 100 1 | оқ бошли карам |
| 0704 90 100 9 | қизил бошли карам |
| 0704 90 900 0 | бошқалар |
| **0705** | **Салат-пиёз (Lactuca sativa) ва сачратқи (Cichorium spp.), барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| | салат-латук: |
| 0705 11 000 0 | бошли салат-латук (бошли салат) |
| 0705 19 000 0 | бошқалар |
| | сачратқи: |
| 0705 21 000 0 | оддий сачратқи (Cichorium intybus var. foliosum) |
| 0705 29 000 0 | бошқалар |
| **0706** | **Сабзи, шолғом, ширин лавлаги, эчкисоқол, сельдерей илдизи, редиска ва бошқа шунга ўхшаш истеъмол қилинадиган илдизмевалар, барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| 0706 10 000 1 | сабзи |
| 0706 10 000 9 | шолғом |
| 0706 90 100 0 | сельдерей илдизи |
| 0706 90 300 0 | оддий хрен (ерқалампир) (Cochlearia armoracia) |

| | |
|---|---|
| 0706 90 900 1 | ширин лавлаги |
| 0706 90 900 9 | бошқалар |
| **0707 00** | **Бодринглар ва сапча бодринглар, барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| 0707 00 050 | бодринглар |
| 0707 00 900 0 | сапча бодринглар |
| **0708** | **Дуккакли сабзавотлар, пўчоғи арчилгани ёки арчилмагани, барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| 0708 10 000 0 | нўхат (Pisum sativum) |
| 0708 20 000 0 | ловия (Vigna spp., Phaseolus spp.) |
| 0708 90 000 0 | бошқа дуккакли сабзавотлар |
| **0709** | **Бошқа сабзавотлар, барраси (янгиси) ёки паст ҳароратда сақлангани** |
| 0709 20 000 0 | сарсабил |
| 0709 30 000 0 | бақлажон (бодрижон)лар |
| 0709 40 000 0 | илдизли сельдерейдан бошқа сельдерейлар |
| | замбуруғлар ва трюфеллар |
| 0709 51 000 0 | Agaricus уруғидаги замбуруғлар |
| | бошқалар |
| 0709 59 100 0 | лисичка қўзиқориннинг бир тури |
| 0709 59 300 0 | моховиклар |
| 0709 59 500 0 | трюфели |
| 0709 59 900 0 | бошқалар |
| | Capsicum ёки Pimenta уруғининг мевалари: |
| 0709 60 100 0 | ширин қалампир |
| 0709 60 910 0 | Capsicum уруғи, капсицин ёки қалампир бўёқ моддаси ишлаб чиқариш учун мўлжалланганлари |
| 0709 60 950 0 | эфир мойлари ёки резиноидларнинг саноат ишлаб чиқариши учун мўлжалланганлари |
| 0709 60 990 0 | бошқалар |
| 0709 70 000 0 | исмалоқ, Янги Зеландия исмалоғи, йирик исмалоқ (боғ исмалоғи) |
| | бошқалар: |
| 0709 91 000 0 | артишоклар |

| | |
|---|---|
| 0709 92 100 0 | Мой ишлаб чиқаришдан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун |
| 0709 92 900 0 | бошқалар |
| 0709 93 100 0 | қовоқчалар |
| 0709 93 900 0 | бошқалар |
| 0709 99 100 0 | салат-латук (Lactuca sativa) ва сачратқи (Cichorium spp.)дан бошқа салат сабзавотлар |
| 0709 99 200 0 | барг лавлаги ва кардон |
| | маслиналар ёки зайтунлар |
| 0709 99 400 0 | ковуллар |
| 0709 99 500 0 | оқ зира |
| 0709 99 600 0 | ширин маккажўхори |
| 0709 99 900 0 | бошқалар |
| **0712** | **Қуритилган, бутун, бўлаклар ва парракларга бўлинган, майдаланган ёки кукун ҳолидаги, аммо кейинги ишлов берилмаган сабзавотлар** |
| 0712 90 110 0 | экиш учун дурагай |
| **0713** | **Қуритилган дуккакли сабзавотлар, шеллед ҳолидагилари, уруғ пўсти арчиб тозаланган ёки тозаланмаган, янчилган ёки янчилмаган** |
| | нўхат (Pisum sativaum): |
| 0713 10 100 0 | экиш учун |
| 0713 10 900 0 | бошқалар |
| 0713 20 000 0 | турк нўхати |
| | ловия (Vigna spp., Phaseolus spp.): |
| | Vigna mango (L.) Hepper ёки Vigna radiate (L.) Wilczek ловия турлари |
| 0713 31 000 1 | мош |
| 0713 31 000 9 | бошқалар |
| 0713 32 000 0 | майда қизил ловия (адзуклар) (Phaseolus ёки Vigna radiate (L.) |
| | оддий ловия, жумладан, оқ майда уруғли ловия (Phaseolus vulgaris): |
| 0713 33 100 0 | экиш учун |
| 0713 33 900 0 | бошқалар |
| 0713 34000 0 | Бамбария ер ёнғоғи *(Vigna subterranea* ёки *Voandzeia subterranea)* |

| | |
|---|---|
| 0713 35 000 0 | хашаки нўхат (горох) *(Vigna unguiculata)* |
| 0713 39 000 0 | бошқалар |
| 0713 40 000 0 | ясмиқ |
| 0713 50 000 0 | йирик уруғли боқла (Vicia faba var. major) ва майда уруғли боқла (Vicia faba var. equine, Vicia faba var. major) |
| 0713 60 000 0 | каптар нўхат *(Cajanus cajan)* |
| 0713 90 000 0 | Бошқалар |
| **0714** | **Таркибида крахмал ёки инулиннинг миқдори юқори бўлган маниок, маранта, салеп, чўчқа картошка, батат ва шу каби бошқа илдизмевалар ҳамда тугунак меваларнинг барраси (янгиси), музлатилгани ёки қуритилгани, бутунлари, тилимчали кесилгани ёки гранула шаклидаги; саго пальмаси ўзаги** |
| | маниок (кассава): |
| 0714 10 000 1 | истеъмол қилишга мўлжалланган, дастлабки ўрамда соф оғирлиги 28 кг дан кўп эмас, ё янги бутуни, ёки пўчоқсиз музлатилгани, паррак кесилгани ёки кесилмагани |
| 0714 10000 9 | бошқалар |
| | ширин картошка ёки батат: |
| 0714 20 100 0 | истеъмол қилишга мўлжалланган бутун барралари (янгилари) |
| 0714 20 900 0 | бошқалар |
| 0714 30 000 0 | ямс *(Dioscorea spp.):* |
| 0714 40000 0 | таро *(Colocasia spp.):* |
| 0714 50000 0 | караиб карами*(Xanthosoma spp.):* |
| 0714 90200 0 | маранта, салек ва шунга ўхшаш таркибида крахмал миқдори кўп бўлган илдизмевалар ва тугунак мевалар |
| 0714 90 900 0 | бошқалар |
| **0801** | **Кокос, Бразилия ва кешью ёнғоқлари, янгиси ёки қуритилгани, пўчоғи тозаланганлари ёки тозаланмаганлари, пўстли ёки пўстсиз** |
| | кокос ёнғоқлари: |
| 0801 11 000 0 | қуритилгани |
| 0801 12000 0 | ички пўсти билан (эндокарп) |
| 0801 19 000 0 | бошқалар |
| | бразилия ёнғоқлари: |
| 0801 21 000 0 | пўчоқли |

| | |
|---|---|
| 0801 22 000 0 | пўчоғи тозаланган |
| | кешью ёнғоқлари: |
| 0801 31 000 0 | пўчоқли |
| 0801 32 000 0 | пўчоғи тозаланган |
| **0802** | **Янги ёки қуритилган, пўчоғи тозаланган ёки тозаланмагани, пўстли ёки пўстсиз ёнғоқлар** |
| | пўстли: |
| 0802 11 100 0 | аччиқ |
| 0802 11 900 0 | бошқалар |
| | пўсти тозалангани: |
| 0802 12 100 0 | аччиқ |
| 0802 12 900 0 | бошқалар |
| | ўрмон ёнғоғи (Corylus spp.): |
| 0802 21 000 0 | пўчоқлиси |
| 0802 22 000 0 | пўчоғи тозалангани |
| | ёнғоқлар: |
| 0802 31 000 0 | пўчоқлиси |
| 0802 32 000 0 | пўчоғи тозалангани |
| | каштанлар (Castanea spp.): |
| 0802 41 000 0 | пўчоқлиси |
| 0802 42 000 0 | пўчоғи тозалангани |
| | писта: |
| 0802 51 000 0 | пўстлиси |
| 0802 52 000 0 | пўстидан тозалангани |
| | макадамия ёнғоғи: |
| 0802 61 000 0 | пўчоқлиси |
| 0802 62 000 0 | пўчоқдан тозалангани |
| 0802 70 000 0 | коли ёнғоқлари *(Cola spp.)* |
| 0802 80 000 0 | фанда ёки бетел ёнғоқлари |
| | бошқалар: |

| | |
|---|---|
| 0802 90 100 0 | пекан |
| 0802 90 500 0 | кедр ёнғоқлари |
| 0802 90 850 0 | бошқалар |
| **0803** | **Бананлар, жумладан плантайнлар, янгиси ёки қуритилгани** |
| 0803 10 | плантайнлар: |
| 0803 10 100 0 | янгиси |
| 0803 10 900 0 | қуритилгани |
| 0803 90 | бошқалар: |
| 0803 90 100 0 | янгиси |
| 0803 90 900 0 | қуритилгани |
| **0804** | **Финиклар, анжир, ананаслар, авокадо, гуайява, манго ва мангостан ёки гарциния, янгиси ёки қуритилгани** |
| | финиклар: |
| 0804 10 000 1 | янгиси |
| 0804 10 000 9 | қуритилгани |
| | анжир: |
| 0804 20 100 0 | янгиси |
| 0804 20 900 0 | қуритилгани |
| | ананаслар: |
| 0804 30 000 1 | янгиси |
| 0804 30 000 9 | қуритилгани |
| 0804 40 000 0 | авокадо |
| | гуайява, манго ва мангостан ёки гарцониялар: |
| 0804 50 000 1 | янгиси |
| 0804 50 000 9 | қуритилгани |
| **0805** | **Цитрус ўсимликлар меваси, янги ёки қуритилгани** |
| | апельсинлар: |
| 0805 10 200 0 | ширин, янги апельсинлар: |
| 0805 10 800 0 | бошқалар |
| | мандаринлар (жумладан, танжеринлар ва сатсума); Клеменинлар, вилкинглар ва цитрус ўсимликларнинг шунга ўхшаш дурагайлари: |

| | |
|---|---|
| 0805 21000 0 | мандаринлар (жумладан, танжеринлар ва сатсума); |
| 0805 22000 0 | клементинлар |
| 0805 29000 0 | бошқалар |
| 0805 40 000 0 | грейпфрутлар |
| | лимонлар (Citrus limon, Citrus limonum) ва Лаймалар (Citrus aurantifolia, Citrus latifolia): |
| 0805 50 100 0 | лимонлар (Citrus limon, Citrus limonum) |
| 0805 50 900 0 | лаймалар (Citrus aurantifolia, Citrus latifolia): |
| 0805 90 000 0 | бошқалар |
| **0806** | **Узум, янгиси ёки қуритилгани** |
| | **янгиси:** |
| 0806 10 100 0 | истеъмол қилинадиган навлари |
| 0806 10 900 0 | бошқалар |
| | **қуритилгани:** |
| 0806 20 100 0 | қора кишмиш |
| 0806 20 300 0 | султон |
| 0806 20 900 0 | бошқалар |
| **0807** | **Қовунлар (жумладан, тарвузлар) ва папайя, янгиси** |
| | қовунлар (жумладан тарвузлар): |
| 0807 11 000 0 | тарвузлар |
| 0807 19 000 0 | бошқалар |
| 0807 20 000 0 | папайя |
| **0808** | **Олмалар, ноклар ва беҳи, янгиси** |
| | олмалар: |
| 0808 10 100 0 | сидра ишлаб чиқариш учун (16 сентябрдан 15 декабргача) |
| 0808 10 800 | бошқалар |
| | ноклар: |
| 0808 30 100 0 | 1 августдан 31 декабргача кўп миқдорда перри ёки нок шарбатини ишлаб чиқариш |
| 0808 30 900 0 | бошқалар |
| 0808 40 000 0 | беҳи |

| | |
|---|---|
| **0809** | **Абрикослар, олча ва гилос, шафтоли (жумладан, нектаринлар), олхўри ва терн, янгиси** |
| 0809 10 000 0 | абрикослар |
| | олча ва гилос: |
| 0809 21 000 0 | нордон олча (Prunus ctrasus) |
| 0809 29000 0 | бошқалар |
| | шафтолилар, жумладан, нектаринлар: |
| 0809 30 100 0 | нектаринлар |
| 0809 30 900 0 | бошқалар |
| 0809 40 050 0 | олхўрилар |
| 0809 40 900 0 | терн |
| **0810** | **Бошқа мевалар янгиси** |
| 0810 10 000 0 | ертут ва қулупнай |
| | булдурғун, маймунжон, тут ва логанов мевалари: |
| 0810 20 100 0 | булдурғун (малина) |
| 0810 20 900 0 | бошқалар |
| | Қора, оқ ёки қизил смородина ва крижовниклар: |
| 0810 30 100 0 | қора смородина |
| 0810 30 300 0 | қизил смородина |
| 0810 30 900 0 | бошқалар |
| | қизилча, черника ва Vaccinium уруғининг бошқа мевалари: |
| 0810 40 100 0 | брусника (Vaccinium vitis idaea I турининг мевалари) |
| 0810 40 300 0 | Vaccinium myrtillus турининг мевалари: |
| 0810 40 500 0 | Vaccinium macrocarpon ва Vaccinium corymbosum турларининг мевалари |
| 0810 40 900 0 | бошқалар |
| 0810 50 000 0 | киви |
| 0810 60 000 0 | дуриан |
| 0810 70 000 0 | хурма |
| | бошқалар: |

| | |
|---|---|
| 0810 90 200 0 | тамаринд, акажу ёки қизил дарахт, анакардия, личи, жекфрут ёки нон дарахти меваси, саподиллаэ, капамбола, страстогуллилар, питайя |
| 0810 90750 0 | бошқалар |
| **0813** | **Узум, янгиси ёки қуритилгани, бошқа мевалар янгисидан бошқа қуритилган мевалар; мазкур гуруҳ ёнғоқлари ёки қуритилган мевалари аралашмаси** |
| 0813 10 000 0 | абрикослар |
| 0813 20 000 0 | қора олхўри |
| 0813 30 000 0 | олмалар |
| | бошқа мевалар: |
| 0813 40 100 0 | шафтолилар, жумладан, нектаринлар |
| 0813 40 300 0 | ноклар |
| 0813 40 500 0 | папайя |
| 0813 40 650 0 | тамаринд, акажу ёки қизил дарахт, анакардия, личи, жекфрут ёки нон дарахти меваси, саподиллаэ, пассифлора ёки страстогуллилар, карамбола ва питайя |
| 0813 40 950 0 | бошқалар |
| | мазкур гуруҳ ёнғоқлари ёки қуритилган мевалари аралашмаси: |
| 4408 90 850 7 | камида бир қават ташқи эман, бук, шумтол ёғочли қатламга эга |
| 4408 90 850 8 | бошқалар |
| 4408 90 850 9 | бошқалар |
| 4408 90 950 | 1 мм дан кўп бўлмаган қалинликда: |
| | қоплаш учун листлар қатламли ёғочни ажратиш натижасида олинган: |
| | елимланган фанера (4412 товар позициясидаги товарлардан ташқари): |
| | камида бир қават ташқи қаттиқ ёғочли қатламга эга: |
| 4408 90 950 1 | камида бир қават ташқи эман, бук, шумтол ёғочли қатламга эга |

| | |
|---|---|
| 4408 90 950 2 | бошқалар |
| | бошқалар |
| 4408 90 950 3 | камида бир қават ташқи эман, бук, шумтол ёғочли қатламга эга |
| 4408 90 950 4 | бошқалар |
| | бошқалар: |
| | камида бир қават ташқи қаттиқ ёғочли қатламга эга: |
| 440890 950 5 | камида бир қават ташқи эман, бук, шумтол ёғочли қатламга эга |
| 4408 90 950 6 | бошқалар |
| | бошқалар: |
| 4408 90 950 7 | камида бир қават ташқи эман, бук, шумтол ёғочли қатламга эга |
| 4408 90 950 8 | бошқалар |
| 4408 90 950 9 | бошқалар: |
| **4416 00 000 0** | **Ёғоч бочкалар, бочкачалар, чаналар, кадкалар каби бочка буюмлари ва уларнинг қисмлари, жумладан, бочка тахталари** |
| **4418** | **Ёғоч дурадгорлик ва қурилиш буюмлари, жумладан, серғовак ёғоч панеллар, сбойли паркет шчитлар, том ёпиш учун гонт ва дранкалар кабилар.** |
| | дераза, балкон эшик ва ромлари: |
| 4418 10 100 0 | тропик дарахт ёғочлари, иккинчи гуруҳидан бошқалари |
| 4418 10 500 0 | нина баргли дарахтлардан |
| 4418 10 900 0 | бошқалар |
| | эшиклар, ромлар ва остоналар: |
| 4418 20 100 0 | тропик дарахт ёғочлари, иккинчи гуруҳидан бошқалари |
| 4418 20 500 0 | нина баргли дарахтлардан |
| 4418 20 800 0 | бошқа дарахтлардан |
| 4418 50 000 0 | том ёпиш учун тахтачалар |
| **4601** | **Тасмаларга бириктирилган ёки бириктирилмаган тўқиш учун маҳсулотлардан тўқилган ва шунга ўхшаш буюмлар; тўқиш учун маҳсулотлар, тўқиш учун маҳсулотлардан тўқилган ва шунга ўхшаш буюмлар, тахта-тахта кўринишида параллел боғлаб эшилган арқон ёки тўқима, тўқилиши тугатилган ёки тугатилмаган (масалан, гиламчалар, бўйралар, бордонлар, пардалар).** |
| | ўсимлик материалларидан ясалган гиламлар, бўйралар ва деворлар: |
| | бамбукдан: |

| | |
|---|---|
| 4601 21 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 21 900 0 | бошқалар |
| | ротандан: |
| 4601 22 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 22 900 0 | бошқалар |
| | бошқалар: |
| 4601 29 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 29 900 0 | бошқалар |
| | бошқалар: |
| | бамбукдан: |
| 4601 92 050 0 | четан девор учун ўрама, тасма билан боғланган ёки боғланмаганлари |
| | бошқалар: |
| 4601 92 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 92 900 0 | бошқалар |
| | ротангдан: |
| 4601 93 050 0 | четан девор учун ўрама, тасма билан боғланган ёки боғланмаганлари |
| | бошқалар: |
| 4601 93 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 93 900 0 | бошқалар |
| | бошқа ўсимлик маҳсулотларидан: |
| 4601 94 050 0 | четан девор учун ўрама, тасма билан боғланган ёки боғланмаганлари |
| | бошқалар: |
| 4601 94 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 94 900 0 | бошқалар |
| | бошқалар: |
| 4601 99 050 0 | четан девор учун ўрама, тасма билан боғланган ёки боғланмаганлари |
| | бошқалар: |
| 4601 99 100 0 | четан девор учун ўрама |
| 4601 99 900 0 | бошқалар |
| **4602** | 4601 товар позициясидаги товарлардан ёки бошқа тўқиш учун материаллардан шакл бериб ясалган саватлар, тўқилган ва бошқа буюмлар; люфадан маҳсулотлар |

| | |
|---|---|
| | **ўсимлик материлларидан ясалган:** |
| **4602 11 000 0** | **бамбукдан** |
| **4602 12 000 0** | **ротангдан** |
| | **бошқалар** |
| **4602 19 100 0** | **бутилкалар учун сомонли ўрам** |
| **4602 19 900 0** | **бошқалар** |
| **4602 90 000 0** | **бошқалар** |
| **4808** | **Гофрировка қилинган (ёпиштирилган ёки ёпиштирилмаган силлиқ ташқи варақлар тарзида), крепировкаланган, босма нақш солинган ёки ўйиб тешилган ўрамдаги ёки варақ (4803-товар позициясида кўрсатилгандан ташқари) қоғоз ва картонлар** |
| 4808 10 000 0 | гофрировка қилинган қоғоз ёки бошқа қалин қоғозлар, тешилган ёки тешилмаганлари |
| **Қоғоз, картон, целлюлоза вата ёки целлюлоза толали матодан катта картон қутилар, ящиклар, қоплар, халталар ва бошқа ўров таралари, варақчалар учун қутичалар, хатлар учун лотоклар ва муассаса, дўкон кабиларда фойдаланиладиган картонлар учун шунга ўхшаш қоғоз буюмлар.** | |
| 4819 10 000 0 | картонлар, қутилар, гофрировкаланган ёки гофрировкаланмаганлари |
| 5001 00 000 0 | чуватиб ўрашга ярайдиган ипак қурти пилласи |
| 5003 00 000 0 | ипак чиқиндиси (чуваш учун яроқсиз пилла, пилла ипининг чиқиндиси ва узилган маҳсулот) |
| **Жун, кўпол ишланган ёки йигирилмаган** | |
| | ювилмаган, жун қўшилган: |
| 5101 11 000 0 | узун жунли |
| **5102** | **Кўпол ишланган ёки йигирилмаган, ингичка ва йўғон ҳайвонлар жуни** |
| | ҳайвонларнинг ингичка юнги: |
| 5102 11 000 0 | кашмир эчкиси |
| | бошқалар: |
| 5102 19 100 0 | ангор товушқони |
| 5102 19 300 0 | альпак, ламаёки вигон |
| 5102 19 400 0 | туя ёки ёввойи қўтос, ёки ангор эчкиси, тибет ёки ўхшаш ҳайвон зотлари |
| 5102 19 900 0 | товушқонлар (ангор товушқонидан ташқари), қуён, қундуз, нутрия ёки ондатра |
| 5102 20 000 0 | дағал жунли ҳайвонлар |
| **5103** | **Жун чиқиндилари ёки майин ёки дағал ҳайвон жуни, йигирилган чиқиндиларни ҳисобга олган ҳолда, титилган хом ашё бундан мустасно** |
| | дағал ёки майин жунли ҳайвонлардан олинган: |

| | |
|---|---|
| 5103 10 100 0 | карбонизованланмаган |
| **5201 00** | **Кардоланмаган ёки тароқда таралмаган пахта толаси.** |
| 5201 00 100 0 | нам тортадиган ёки оқланган |
| 5201 00 900 0 | бошқалар |
| **5202** | **Пахта толаси чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё):** |
| 5202 10 000 0 | йигирув чиқиндилари (чалкашганлари ҳам) |
| | бошқалар: |
| 5202 91 000 0 | титилган хом ашёси |
| 5202 99 000 0 | бошқалар |
| **5301** | **Зиғирпоя толасининг хом ашёси ёки ишлов берилган зиғирпоя толаси, бироқ йигирилмагани; зиғирпоя толасининг тарандиси ва чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё)** |
| 5301 10 000 0 | зиғирпоя толасининг хом ашёси ёки ишлов берилган зиғирпоя толаси |
| | эзилган, титилган, таралган ёки бошқа усулда ишланган, лекин йигирилмаган зиғир: |
| 5301 21 000 0 | эзилган ёки титилган |
| 5301 29 000 0 | бошқалар |
| 5301 30 000 0 | таралган ва зиғирпоя толаси қолдиғи |
| **5302** | **Пенка (Cannabis sativa L.), хом ашёси ёки ишлов берилгани, бироқ йигирилмагани; таранди ва чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё):** |
| 5302 10 000 0 | қаймоқ ҳолидаги хом ашё ёки ивитилгани |
| 5302 90 000 0 | бошқалар |
| **5303** | **Жут толаси ва бошқа тўқимачилик луб толалари (зиғир, пенка ва рамидан ташқари), хом ашё кўринишида ёки ишлов берилгани, бироқ йигирилмагани; мазкур толалар тарандиси ва чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё):** |
| 5303 10 000 0 | жут толаси ва бошқа тўқимачилик луб толалари, хом ашё кўринишида ёки ишлов берилгани |
| 5303 90 000 0 | бошқалар |
| **5305 00 000 0** | **номлари бошқа жойларда келтирилмаган ёки киритилмаган кокос ёнғоғи, абака (манил пенкаси ёки Musa textiles Nee), рами ва бошқа ўсимликларнинг тўқимачилик толалари, хом ашё кўринишда ёки ишлов берилгани, бироқ йигирилмагани; мазкур толаларнинг тарандиси ва чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё):** |

«*» — қадоқланган (истеъмол ўрамида (идишда) бевосита чакана савдога тушувчи товарлар) товарлардан ташқари.

*(1-илованинг матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги 136-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 09/21/136/0207-сон — 2021 йил 1 апрелдан кучга киради)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**0000000 — СОНЛИ**
**ТРАНСПОРТ БИРЛИГИНИ ОЧИШ ТЎҒРИСИДАГИ ДАЛОЛАТНОМА**
*(карантин остидаги импорт маҳсулотлар учун)*

_______________________________________________________________
*(темир йўл станцияси, аэропорт, дарё порти, автомобиль йўллари ва бошқалар)*

___________________________Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси

давлат инспектори ___________________________________________________
*(Ф.И.О.)*

_______________________________________________________________
*(юк номи, миқдори ва ҳажми)*

_______________________________________________________________
*(вагон, контейнер ва бошқаларнинг рақами)*

Экспорт қилаётган давлат номи:_____________________________________________

Импорт қилувчи ташкилот номи ва манзили: ___________________________________

_________________________________ СТИР: _________________________

Карантин рухсатномаси берилган сана: «____» _________20___ йил, №_____________

Фитосанитария сертификати берилган сана: «____» ________20___ йил, №____________

_________________
*(давлат инспектори имзоси.)*

_____________
*(вакил имзоси)*

«__
______
йи

*(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-ИЛОВА

**0000000 — СОНЛИ**
**КАРАНТИН КЎРИГИ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

____________________________________ Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси
*(республика, вилоят, туман, шаҳар)*

давлат инспектори ___________________________________________ томонидан
*(Ф.И.О.)*

«____» ___________20___ йилда қуйидаги вакил иштирокида ___________________________
*(вакил Ф.И.О.)*

__________________________________________ СТИР: _____________________
*(корхона, ташкилот, фермер хўжалиги номи ёки фуқаро)*

_______________________________________________________________
*(юк номи, миқдори ва ҳажми)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида» ги 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ-484-сон Қонунининг 29-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси

ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва Ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига асосан карантин кўригидан ўтказилди.

Давлат инспекторининг таклиф ва хулосаси: ____________________________________________________________
________________________________________________________________________________________________

*Транспорт бирлигини очиш далолатномаси мавжуд бўлган ҳолда, ушбу далолатнома ҳақиқий ҳисобланади*

______________________________
*(давлат инспектори имзоси)*

*(2а-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисида

## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларга карантин рухсатномасини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**экспорт қилувчи мамлакат** — ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтилиши учун халқаро фитосанитар талаблар асосида юбораётган мамлакат;

**фитосанитар талаблар** — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун бажарилиши мажбурий бўлган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотга, уни олиб киришга, ишлаб чиқаришга, қайта ишлашга, сақлашга, ташишга, сотишга, йўқ қилишга ва ўсимликлар карантини объектларига қўйиладиган талабларни белгиловчи ҳужжат;

**карантин рухсатномаси** — ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ёки ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Карантин рухсатномаси Инспекция томонидан берилади.

4. Карантин рухсатномасида белгиланган талабларга юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши Инспекция ва ҳудудий ўсимликлар карантини инспекциялари томонидан назорат қилинади.

5. Карантин рухсатномаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудини чет мамлакатлардан кириб келиб, унинг ўсимликлар оламига зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш мақсадида берилади.

6. Карантин рухсатномаси талаб этиладиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7. Инспекция юридик ва жисмоний шахслар томонидан карантин рухсатномасини олиш учун зарур бўлган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

8. Карантин рухсатномасини бериш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## 2-боб. Карантин рухсатномасини беришга доир талаблар ва шартлар

9. Қуйидагилар рухсатнома бериш учун риоя этилиши мажбурий талаблар ва шартлар ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, жумладан карантин қоидаларига, шунингдек фитосанитар талабларга риоя этилиши;

ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан ўз ваколати доирасида юборилган зарур фитосанитар талаблар бажарилиши бўйича тақдимномаларни бажариш, ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ ўрнатилган чеклашлар ва кўрсатмаларга риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар халқаро фитосанитар талабларга, савдо шартномаларида (битимларида) назарда тутилган фитосанитар шартларга жавоб бериши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан киритилиши мумкин бўлмаган ўсимликларнинг экиш материаллари, ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ва уларнинг ҳудудлари рўйхатига кирмаган бўлиши;

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни экспорт қилувчи мамлакат ҳудудида карантин ҳолати эълон қилинмаган бўлиши;

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни экспорт қилувчи мамлакат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига карантиндаги зарарли организмлар кириб келиш хавфи мавжуд бўлмаслиги;

карантин рухсатномасини бериш натижасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки ўсимлик дунёси объектларига ҳамда уларнинг яшаш муҳитига ҳақиқатда хавф солмаслиги;

карантин рухсатномасини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар аризани ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш режалаштирилган кундан камида 30 кун аввал Инспекцияга тақдим қилиши.

10. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни фумигация қилиш талаб этилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахслар фумигация ишларини ўтказиш учун зарур бино ва иншоотлар билан таъминлайдилар.

## 3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва карантин рухсатномасини бериш ёки карантин рухсатномасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Карантин рухсатномасини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) Инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

карантин рухсатномасини бериш тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;

карантин рухсатномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.

Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ариза Инспекцияга ариза берувчилар томонидан бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ариза ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

13. Карантин рухсатномасини олиш учун Инспекцияга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат Инспекция томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчига топширилади (юборилади).

14. Ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ариза барча ҳолларда, токи ваколатли орган уларнинг ишончсизлигини исботламагунгача ишончли ҳисобланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15. Ариза кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади.

*(15-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон)*

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Инспекциянинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Ариза берувчи берилган аризасидан воз кечган ёки ариза кўриб чиқилгандан сўнг карантин рухсатномасини бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

16. Инспекция аризани кўриб чиқишда карантин рухсатномасини бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилади, бунда Инспекция мазкур ҳужжатларни юридик ва жисмоний шахсларнинг иштирокисиз мустақил равишда олади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17. Карантин рухсатномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчилар томонидан ариза Инспекцияга келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни давомида қабул қилинади ва бу ҳақидаги тегишли ҳужжатни ариза берувчиларга бериш (юбориш) ёки бундай ҳужжатни бериш рад этилганлиги тўғрисида Инспекция уни ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши шарт.

*(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон)*

18. Карантин рухсатномаси махсус рақамланган, ҳимояланган ҳолатда мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

Карантин рухсатномаси берилган кундан бошлаб 30 кунгача амал қилади.

19. Қуйидагилар карантин рухсатномасини беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

карантин рухсатномаси берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг ариза берувчилар томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

ариза берувчиларнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчилар томонидан тақдим этилган аризада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларда карантин рухсатномаси беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

20. Карантин рухсатномасини беришнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома ариза берувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

21. Ариза берувчи карантин рухсатномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш ариза берувчидан рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Инспекция томонидан такроран кўриб чиқилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

22. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ариза берувчига илгари ёзма хабарномада баён қилинмаган рад этиш сабабларининг Инспекция томонидан келтирилишига йўл

қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

23. Карантин рухсатномасини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва Инспекция томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

24. Ариза берувчи карантин рухсатномасини беришнинг рад этилганлиги, шунингдек Инспекция мансабдор (ваколатли) шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## 4-боб. Карантин рухсатномасининг амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш

25. Карантин рухсатномасининг амал қилиш муддати тугагач, у юридик ва жисмоний шахсларнинг аризасига кўра узайтирилади. Карантин рухсатномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза Инспекцияга мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар топширилиши керак. Карантин рухсатномасининг амал қилиш муддатини узайтириш йиғим ундирилмаган ҳолда амалга оширилади.

26. Карантин рухсатномасини олган юридик шахс қайта рўйхатдан ўтганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, етти иш куни давомида Инспекцияга карантин рухсатномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

27. Карантин рухсатномасини олган жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда етти иш куни давомида Инспекцияга карантин рухсатномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

28. Карантин рухсатномаси қайта расмийлаштирилгунига қадар, уни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) карантин рухсатномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида Инспекциянинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни амалга оширади.

29. Карантин рухсатномаси қайта расмийлаштирилганда Инспекция томонидан Карантин рухсатномалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Карантин рухсатномасини қайта расмийлаштириш аризага тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Инспекция томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш куни давомида амалга оширилади.

30. Карантин рухсатномасини қайта расмийлаштириш учун ариза берувчиларнинг карантин рухсатномасини бериш тўғрисидаги аризаси Инспекция томонидан кўриб чиқилганда ва карантин рухсатномаси қайта расмийлаштириб берилганда мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган сумманинг ярим миқдорида йиғим ундирилади.

31. Инспекция карантин рухсатномаси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда карантин рухсатномасининг дубликатини бериши шарт. Инспекция томонидан карантин рухсатномасининг дубликатини берганлик учун мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган сумманинг ярим миқдорида йиғим ундирилади.

## 5-боб. Карантин рухсатномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш

32. Карантин рухсатномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## 6-боб. Карантин рухсатномалари реестри

33. Инспекция Карантин рухсатномаларининг реестрини юритади ва уларни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

34. Карантин рухсатномалари реестрида юридик ва жисмоний шахслар тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

карантин рухсатномаси берилган юридик шахслар тўғрисидаги асосий маълумотлар: номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами;

карантин рухсатномаси берилган жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, почта манзили, телефон рақами;

карантин рухсатномасининг берилган санаси ва рақами;

карантин рухсатномасининг амал қилиш муддати;

карантин рухсатномасини қайта расмийлаштиришнинг, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асоси ва санаси, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш;

карантин рухсатномасининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ва сана;

карантин рухсатномасини бекор қилишнинг асоси ва санаси;

карантин рухсатномасини тўхтатиб туриш, тугатиш, қайта расмийлаштириш ҳамда бекор қилишнинг асослари ва санаси;

карантин рухсатномаси дубликатини беришнинг асослари ва санаси.

35. Карантин рухсатномаларининг реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахслар учун очиқ ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Рухсатнома ҳужжатлари» автоматлаштирилган ахборот тизимига «реал вақт» режимида икки иш кунидан кечиктирилмаган муддатда жойлаштириб борилади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

36. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни республикага олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб ўтишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби

## СХЕМАСИ

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

| Босқичлар муддати | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | **Ариза берувчи юридик ёки жисмоний шахс** | Карантин рухсатномасини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан Инспекцияга бевосита ёзма ёки «бир дарча» тамойили асосида белгиланган шаклга мувофиқ аризани тақдим этиш. | Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш режалаштирилган кундан камида 30 кун қолганида |

| **2-босқич** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси** | 1) Юридик ва жисмоний шахсларнинг карантин рухсатномаси бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш.<br>2) Юридик ва жисмоний шахсларга Карантин рухсатномасини бериш.<br>3) Карантин рухсатномасини бериш рад этилган ҳолатларда юридик ва жисмоний шахсларга бу ҳақидаги маълумотни ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш. | Беш иш кун давомида |
|---|---|---|---|

*(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон)*

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш учун карантин рухсатномаси бериш тўғрисида**
**АРИЗА**

**1. Юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳақидаги маълумотлар** *(кераклисини белгиланг☑)***:**

☐ юридик шахс;
☐ жисмоний шахс;
☐ якка тартибдаги тадбиркор;

Рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ берилган: кун ☐☐ ой ☐☐ йил ☐☐☐☐

Гувоҳнома берган орган номи:______________________________________________.

**2. Маҳсулотнинг номи ва миқдори:**

| **Т/р** | **Маҳсулот номи** | **Ўлчов бирлиги** (кг., тонна, литр, дона, метр/куб.) | **Миқдори** |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| ... | | | |

**Олиб кирилаётган маҳсулот тўғрисидаги қўшимча маълумотлар**

**3. Маҳсулотнинг импорт шартномаси тўғрисидаги маълумотлар:**

а) рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ Санаси: кун ☐☐ ой ☐☐ йил ☐☐☐☐

б) маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакат ва ҳудуди: ____________________________________________________
____________________________________________________.

в) экспортёр давлат:____________________________________________________.

г) транспорт воситасининг тури: ____________________________________________________.

**4. Ўз омборхонасини зарарсизлантириш далолатномаси тўғрисидаги маълумотлар:**

Рақами | | | | | | | | Санаси кун | | ой | | йил | | | |

**5. Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасигача юк кириб келиши тўғрисидаги маълумотлар:**

а) йўналиши: ______________________________________________________________________________.

б) чегара масканлари номлари:
1.____________________________________________________________________________;
2.____________________________________________________________________________;
n.____________________________________________________________________________.

в) Юк келиб тушган карантин ҳужжатлари расмийлаштириладиган божхона масканининг номи: ________________________
____________________________________________________________________________________________.

**6. Маҳсулотдан фойдаланиш мақсадлари:**

1.____________________________________________________________________________;
2.____________________________________________________________________________;
n.____________________________________________________________________________.

**7. Маҳсулот етиб келиши кутиладиган муддат:**

Кун | | | ой | | | йил | | | | | дан
Кун | | | ой | | | йил | | | | | гача

Муҳр имзо Ф.И.О.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

«ЎЗДАВКАРАНТИН»

STATE PLANT-Q
INSPECTION UNDER
MINISTERS OF TH
UZBEKI

«UZSTATEQU

# КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИ
# КАРАНТИННОЕ РАЗРЕШЕНИЕ
# QUARANTINE PERMIT

| Ушбу карантин рухсатномаси берилди/ Карантинное разрешение выдано/ This quarantine license is given to: | Экспортёр давлат, худуд ва ташкилот номи /Наименование экспортирующей страны, региона и организации/Name of exporter country, region and organization: | №<br>Бе<br>М |
|---|---|---|

Махсулот хақида маълумот /Информация о продукции/Product information

Махсулот номи, ТИФТН Коди, миқдори ва ўлчов бирлиги /Наименование, код ТН ВЭД количество и ед-измер продукции /Name, HS code, quantity and unit of the product

************************************************************************************************
*************************************************************
*************************************************************
*************************************************************
*************************************************************
*************************************************************
*************************************************************
**************************************************************

Олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар ушбу рухсатнома бўйича қуйидаги йўналишлар орқали ўт по настоящему разрешению подкарантинная продукция должна перевозиться по следующему маршруту:/Th imported in accordance with this License must be transported along the following route

| Олиб кириш йўналиши ва чегара маскани/Пограничный пост и маршрут ввоза/ border post and route of entry | ТИФ назорат маскани/ контрольный пункт ВЭД / FEA border control |
|---|---|

Рухсатнома «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан қу берилган:/Разрешение выдано на основании Закона Республики Узбекистан «О карантине растений», по заявл issued on the basis of the Law of the Republic of Uzbekistan «On Plant Quarantine», upon application

**Диққат!/Внимание!/Attention!** Олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар, транспорт воситалари Ўзбе учун карантин аҳамиятига эга бўлган ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлардан, шунинг бошқа зарарли организмлардан холи бўлиши шарт /Ввозимая подкарантинная продукция, транспортные ср свободны от вредителей, болезней растений и сорняков, имеющие карантинное значение для Республики Узбек других вредных организмов согласно приложению/ Imported quarantine products and vehicles must be free from p weeds that have a quarantine significance for the Republic of Uzbekistan, including from other harmful organisms appendix

Қўшимча маълумотлар/Дополнительная информация/Additional information

| Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси / Государственной инспекция по карантину растений/ | Ф.И.О |
|---|---|

| Изоҳ: | Примечание: | Note: |
|---|---|---|
| 1. Карантин рухсатномаси карантин остидаги маҳсулотларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ёки ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтилишига рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва буюртмачига ҳамда тегишли ҳудудий ўсимликлар карантини давлат инспекциясига юборилади.<br>2. Карантин рухсатномаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб кирилаётган юкларга Карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга асос ҳисобланади.<br>3. Экспорт қилувчи давлатнинг фитосанитар сертификатида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:<br>а) зарарсизлантириш усуллари;<br>б) ўсимликлар карантини объектларининг йўқлиги.<br>4. Транспорт воситаси ва карантин остидаги маҳсулотлар белгиланган жойга келтирилиши билан қуйидаги карантин тадбирлари ўтказилиши шарт:<br>а) Давлат карантин инспектори томонидан кўрикдан ўтказилади;<br>б) Лаборатория текшируви учун намуналар олиш;<br>в) Лаборатория таҳлиллари натижасига кўра юкни чиқариб юбориш;<br>г) Ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда, юк зарарсизлантирилади, қайтарилади ёки йўқ қилинади<br>**5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси.** Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, | 1. Карантинное разрешение является документом удостоверяющее разрешение на ввоз или транзит подкарантинной продукции на территорию Республики Узбекистан и направляется заказчику и причастной территориальной государственной инспекции по карантину растений.<br>2. Карантинное разрешение при ввозе груза на территорию Республики Узбекистан является основанием для таможенного оформления груза после оформления акта карантинного досмотра.<br>3. В фитосанитарном сертификате страны экспортёра указать:<br>а) методы обеззараживания<br>б) отсутствие объектов карантина растений.<br>4. По прибытию к месту назначения подкарантинной продукции и транспортных средств, должны быть проведены следующие карантинные мероприятия:<br>а) досмотр Государственными инспекторами по карантину растений;<br>б) отбор образцов и представление в карантинную лабораторию;<br>в) выпуск груза после получения результатов экспертизы.<br>г) при обнаружении объектов карантина растений груз подлежит обеззараживанию, возврату или уничтожению.<br>**5. Статья-228 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.** | **1.** The Quarantine permit is a document certifying permission for the import of quarantine products into the territory of the Republic of Uzbekistan and is sent to the customer and territorial state plant quarantine inspection.<br>**2.** Quarantine permit during the importation of goods into the territory of the Republic of Uzbekistan considered as the basis for customs clearance of goods after registration of the quarantine inspection act.<br>**3.** The phytosanitary certificate of the exporting country should indicate:<br>a) Disinfection methods<br>b) Absence of quarantine pests<br>**4.** Upon arrival at the destination, quarantine products and transport vehicles should be subject to the following quarantine measures:<br>a) Inspection by inspectors of the State Plant Quarantine Inspection under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.<br>b) Sampling and submission to the Central Quarantine Laboratory<br>c) Release of consignment after receiving the results of laboratory analysis.<br>d) Upon detection of quarantine pests, the consignment is subject to disinfection, return or destruction.<br>**5. Article 228 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.**<br>The falsification of an official document granting or exempting from a duty, for the purpose of its use by the forger or another person, or the sale of such a document, the manufacture |

| | | |
|---|---|---|
| бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш — базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. | Изготовление, подделка официального документа, предоставляющего право или освобождающего от обязанности, в целях его использования самим подделывателем или другим лицом либо сбыт такого документа, изготовление поддельных штампов, печатей, бланков предприятий, учреждений, организаций в тех же целях либо их сбыт — наказывается штрафом от пятидесяти до ста базовых расчетных величин или обязательными общественными работами до трехсот шестидесяти часов либо исправительными работами до трех лет. | of fake stamps, seals, letterheads of enterprises, institutions, organizations for the same purposes or their sale — shall be punishable by a fine from fifty to one hundred basic calculation units, or compulsory community service up to three hundred and sixty hours, or correctional labor up to three years. |
| 6. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади. | 6. В соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об электронном документообороте» электронный документ приравнивается к документу на бумажном носителе и имеет одинаковую с ним юридическую силу. | **6.** In accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan «On electronic document management», an electronic document is equivalent to a document on paper and has the same legal force. |
| 7. Рухсатномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг | 7. Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации. | **7.** QR code can be scanned using mobile device to verify the authenticity of the information. |

**КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИГА ИЛОВА**
**ПРИЛОЖЕНИЕ К КАРАНТИННОМУ РАЗРЕШЕНИЮ**
**ATTACHMENT SHEET FOR QUARANTINE PERMIT**

<table>
<tr><td colspan="3">Қўшимча маълумотлар/Дополнительная информация/Additional information</td></tr>
<tr><td rowspan="3">QR Code</td><td rowspan="3">КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИ<br>КАРАНТИННОЕ РАЗРЕШЕНИЕ<br>QUARANTINE PERMIT</td><td>№</td></tr>
<tr><td>Берилди /Выдано/ Issued</td></tr>
<tr><td>Муддати:/ Срок до/ Valid until</td></tr>
</table>

*(3-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига
3-ИЛОВА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитария сертификатларини бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

*(3-илованинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

### 1-боб. Умумий қоидалар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Мазкур Низом ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар экспорти учун фитосанитар реэкспорт фитосанитария ва ички фитосанитария сертификатларини бериш тартибини белгилайди.

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар** — ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулотлари, ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларни олиб ўтувчиси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва юклар;

**фитосанитар сертификат** — экспорт қилаётган мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг ҳар бир транспорт бирлигига бериладиган ва ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг ўсимликлар карантинидаги объектлар билан зарарланмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**реэкспорт фитосанитар сертификати** — республикага импорт қилингандан сўнг бошқа давлатга экспорт қилинадиган, шунингдек, республика ҳудудида сақланадиган, қисмларга бўлинадиган, бирлаштириладиган ва қайта қадоқланадиган карантин остидаги маҳсулотларнинг ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланмаганлигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳужжат;

**ички фитосанитария сертификати** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юклаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилинадиган карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3. Фитосанитария ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари (кейинги ўринларда — фитосанитария сертификатлари) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) томонидан берилади.

*(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

4. Фитосанитар сертификатида белгиланган талабларга юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) ва ҳудудий инспекциялар томонидан назорат қилинади.

5. Фитосанитар сертификати Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни экспорт қилишда ушбу юкларни карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар билан зарарланмаганлигини тасдиқлаш мақсадида берилади.

6. Фитосанитар сертификати талаб этиладиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7. Инспекция юридик ва жисмоний шахслар томонидан фитосанитар сертификатини олиш учун зарур бўлган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

8. Фитосанитар сертификатини бериш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## 2-боб. Фитосанитария сертификатларини беришга доир талаблар ва шартлар

*(2-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

9. Қуйидагилар фитосанитар сертификати бериш учун риоя этилиши мажбурий талаблар ва шартлар ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, жумладан карантин қоидаларига, шунингдек фитосанитар талабларга риоя этилиши;

ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан ўз ваколати доирасида юборилган зарур фитосанитар талаблар бажарилиши бўйича тақдимномаларни бажариш, ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ ўрнатилган чеклашлар ва кўрсатмаларга риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар халқаро фитосанитар талабларга, савдо шартномаларида (битимларида) назарда тутилган фитосанитар шартларга жавоб бериши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши мумкин бўлмаган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар рўйхатига кирмаган бўлиши;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар етиштирилган ҳудудда карантин ҳолати эълон қилинмаган бўлиши;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни импорт қилувчи мамлакат ҳудудига Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан карантиндаги зарарли организмлар кириб бориш хавфи мавжуд бўлмаслиги;

фитосанитар сертификатини бериш натижасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки ўсимлик дунёси объектларига ҳамда уларнинг яшаш муҳитига ҳақиқатда хавф солмаслиги;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

фитосанитар сертификатини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар аризани ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш режалаштирилган кундан олдин исталган вақтда тегишли ҳудудий инспекцияга тақдим қилиши.

*(9-банднинг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон)*

10. Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни фумигация қилиш талаб этилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахслар фумигация ишларини ўтказиш учун зарур бино ва иншоотлар билан таъминлайдилар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## 3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва фитосанитария сертификатларини бериш ёки фитосанитария сертификатларини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

*(3-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11. Фитосанитар сертификатини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) тегишли ҳудудий инспекцияга қуйидаги электрон ҳужжатларни тақдим этади:

фитосанитар сертификатини бериш тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича электрон ариза;

фитосанитар сертификатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи электрон банк ҳужжати.

Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

*(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

12. Ариза ҳудудий инспекцияга ариза берувчилар томонидан бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ариза ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

13. Фитосанитар сертификатини олиш учун ҳудудий инспекцияга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат ҳудудий инспекциялар томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчига топширилади (юборилади).

14. Ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ариза барча ҳолларда, токи ваколатли орган уларнинг ишончсизлигини исботламагунгача ишончли ҳисобланади.

15. Ариза кўриб чиқилганлиги учун:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

40 кг гача бўлган бир дона жўнатмага (қўл юки) фитосанитария сертификатини олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш фоизи миқдорида;

*(15-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(15-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

500 кг гача юк ортилган бир транспорт бирлигига фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизи миқдорида;

1000 кг гача юк ортилган бир транспорт бирлигига фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш фоизи миқдорида;

1000 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига фитосанитария сертификати олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади.

*(15-банднинг учинчи — бешинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Инспекциянинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Ариза берувчи берилган аризасидан воз кечган ёки ариза кўриб чиқилгандан сўнг фитосанитар сертификатини бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1000 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига реэкспорт фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади.

*(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

16. Ҳудудий инспекциялар аризани кўриб чиқишда фитосанитар сертификатини бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда “бир дарча” орқали амалга оширилади, бунда ҳудудий инспекциялар мазкур ҳужжатларни юридик ва жисмоний шахсларнинг иштирокисиз мустақил равишда олади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17. Карантин рухсатномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчилар томонидан ариза Инспекцияга келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни давомида қабул қилинади ва бу ҳақидаги тегишли ҳужжатни ариза берувчиларга бериш (юбориш) ёки бундай ҳужжатни бериш рад этилганлиги тўғрисида Инспекция уни ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши шарт.

*(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17[1.] 500 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига ички фитосанитария сертификати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

*(17[1]-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18. Фитосанитария сертификати махсус рақамланган, ҳимояланган ҳолатда мазкур Низомга 3-иловага, реэкспорт фитосанитария сертификати 3а-иловага ва ички фитосанитария сертификати 3б-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

*(18-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

19. Қуйидагилар фитосанитар сертификатини беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

фитосанитар сертификати берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг ариза берувчилар томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

ариза берувчиларнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчилар томонидан тақдим этилган аризада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларда фитосанитар сертификати беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

20. Фитосанитар сертификатини беришнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома ариза берувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат фитосанитар сертификатини бериш

рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

21. Ариза берувчи фитосанитар сертификатини беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш, фитосанитар сертификати бериш ёки уни беришни рад этиш ариза берувчидан рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида тегишли ҳудудий инспекция томонидан такроран кўриб чиқилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

22. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ариза берувчига илгари ёзма хабарномада баён қилинмаган рад этиш сабабларининг тегишли ҳудудий инспекция томонидан келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

23. Фитосанитар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва тегишли ҳудудий инспекция томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

24. Ариза берувчи фитосанитар сертификатини беришнинг рад этилганлиги, шунингдек тегишли ҳудудий инспекция мансабдор (ваколатли) шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## 4-боб. Фитосанитария сертификатларини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш

*(4-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

25. Фитосанитар сертификатини олган юридик шахс қайта рўйхатдан ўтганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, етти иш куни давомида тегишли ҳудудий инспекцияга фитосанитар сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

26. Фитосанитар сертификатини олган жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда етти иш куни давомида тегишли ҳудудий инспекцияга фитосанитар сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

27. Фитосанитар сертификати қайта расмийлаштирилгунига қадар, уни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) фитосанитар сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида тегишли ҳудудий инспекциянинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни амалга оширади.

28. Фитосанитар сертификати қайта расмийлаштирилганда тегишли ҳудудий инспекция томонидан фитосанитар сертификатлари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Фитосанитар сертификатини қайта расмийлаштириш аризага тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ҳудудий инспекция томонидан қабул қилиб олинган иш куни давомида амалга оширилади.

29. Фитосанитар сертификатини қайта расмийлаштириш учун ариза берувчиларнинг фитосанитар сертификатини бериш тўғрисидаги аризаси ҳудудий инспекция томонидан кўриб чиқилганда ва фитосанитар сертификати қайта расмийлаштириб берилганда мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган сумманинг ярим миқдорида йиғим ундирилади.

30. Ҳудудий инспекциялар фитосанитар сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан бир

иш кунидан кўп бўлмаган муддатда фитосанитар сертификатининг дубликатини бериши шарт. Ҳудудий инспекциялар томонидан фитосанитар сертификатининг дубликатини берганлик учун мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган сумманинг ярим миқдорида йиғим ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## 5-боб. Фитосанитария сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш

*(5-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

31. Фитосанитар сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ҳамда уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## 6-боб. Фитосанитар сертификатлари реестри

32. Ҳудудий инспекциялар Фитосанитар сертификатлари реестрини юритади ва уларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

33. Фитосанитар сертификатлар реестрида юридик ва жисмоний шахслар тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

фитосанитар сертификати берилган юридик шахслар тўғрисидаги асосий маълумотлар: номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами;

фитосанитар сертификати берилган жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами;

фитосанитар сертификатининг берилган санаси ва рақами;

фитосанитар сертификатининг амал қилиш муддати;

фитосанитар сертификатини қайта расмийлаштиришнинг асоси ва санаси, амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тиклаш;

фитосанитар сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ва сана;

фитосанитар сертификатини бекор қилишнинг асоси ва санаси;

фитосанитар сертификатини тўхтатиб туриш, тугатиш, қайта расмийлаштириш ҳамда бекор қилишнинг асослари ва санаси;

фитосанитар сертификати дубликатини беришнинг асослари ва санаси.

34. Фитосанитар сертификатлар реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахслар учун очиқ ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Рухсатнома ҳужжатлари автоматлаштирилган ахборот тизими»га «реал вақт» режимида икки иш кунидан кечиктирилмаган муддатда жойлаштириб борилади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни республикадан олиб чиқишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби

## СХЕМАСИ

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | **Ариза берувчи юридик ёки жисмоний шахс** | Фитосанитар сертификатини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан худудий инспекцияга ёзма ёки «бир дарча» тамойили асосида белгиланган шаклга мувофиқ аризани тақдим этиш. | Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш режалаштирилган кундан олдин исталган вақтда |
| **2-босқич** | **Ҳудудий инспекциялар** | 1)Юридик ва жисмоний шахсларнинг фитосанитар сертификати бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш.<br>2)Юридик ва жисмоний шахсларга фитосанитар сертификатини бериш.<br>3) Фитосанитар сертификатини бериш рад этилган ҳолатларда юридик ва жисмоний шахсларга бу ҳақидаги маълумотни ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш. | Беш иш кун давомида |

*(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон)*

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**Фитосанитар сертификатини бериш тўғрисида**
**АРИЗА**

**1. Юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳақидаги маълумотлар***(кераклисини белгиланг ☑)*:

↓юридик шахс;

↓жисмоний шахс;

↓якка тартибдаги тадбиркор;

Рақами |_|_|_|_|_|_|_|_|_| берилган: кун |_|_| ой |_|_| йил |_|_|_|_|

Гувоҳнома берган орган номи:________________________________________.

**2. Маҳсулотнинг номи ва миқдори:**

| Т/р | Маҳсулот | | Ўлчов бирлиги (кг., тонна, литр, дона, метр/куб...) | Миқдори |
|---|---|---|---|---|
| | ботаник (лотинча) номи | ишлаб чиқарилган ҳудуд | | |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| ... | | | | |

**Олиб кирилаётган маҳсулот тўғрисидаги қўшимча маълумотлар**

б) Маҳсулотнинг экспорт шартномаси тўғрисидаги маълумотлар:

рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ Санаси: кун ☐☐ ой ☐☐ йил ☐☐☐☐

в) Юкнинг қадоқланиш тури: ___________________________;

г) Юк қадоқланган идишларнинг сони: _______________дона;

д) Юкнинг маркировкаси *(кераклисини белгиланг* ☑*)*:

↓ Бор

___________________________________________________;

↓ Йўқ.

**3. Маҳсулот импорт қилувчи тўғрисидаги маълумотлар:**

а) импорт қилувчининг юридик манзили:

Кўча

Уй №:

Шаҳар (ҳудуд):

Давлат:

Почта индекси:

Электрон почта манзили:

**4. Транспорт воситасининг тури***(кераклисини белгиланг ва тўлдиринг* ☑*)*:

↓ Автомобиль транспорти__________________________________________________;

↓ Темир йўл транспорти __________________________________________________;

↓ Дарё транспорти (кема ва шу кабилар)_________________________________________;

↓ Ҳаво транспорти _____________________________________________________;

↓ Бошқа_____________________________________________________________;

**5. Ички фитосанитария сертификатининг рақами___________________________________;**

**6. Юкни олиб чиқиш чегара масканининг номи:_______________________________________________**
**.**

**7. Юкни импортёр мамлакатида карантин қўригидан ўтказиш жойининг манзили:**
**________________________**
**___________________________________________ .**

**8. Юкни жўнатиш санаси:**

Кун ☐☐ ой ☐☐ йил ☐☐☐☐

Мухр имзо Ф.И.О.

*(2-илованинг матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги 136-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 09/21/136/0207-сон — 2021 йил 1 апрелдан кучга киради)*

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга

3-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ «ЎЗДАВКАРАНТИН»**

**STATE PLANTS QUARANTINE INSPECTION UNDER THE CABINET OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN «UZSTATEQUARANTINE»**

| | | |
|---|---|---|
| 1. *Экспортёр ва унинг манзили:*<br>*Экспортёр и его адрес:*<br>*Name and address of exporter:* | **2. ФИТОСАНИТАР СЕРТИФИКАТИ**<br>**ФИТОСАНИТАРНЫЙ СЕРТИФИКАТ**<br>**PHYTOSANITARY CERTIFICATE**<br>**UZ-EX №**____________________ | |
| 3. Юк қабул қилувчи ва унинг манзили:<br>*Получатель и его адрес:*<br>*Declared name and address of consignee:* | 4. Кимга: Ўсимликлар карантини ташкилотига<br>*Кому: Организации по карантину растений*<br>To: *Plant protection and quarantine organization of* | |
| | 5. Қайд этилган олиб кириладиган маскан:<br>*Заявленный пункт ввоза:*<br>*Declared point of entry:* | |
| 6 Ишлаб чиқарилган жойи:<br>*Место происхождения:*<br>*Place of origin:* | 7. Қайд этилган транспортда ташиш усули:<br>*Заявленный способ транспортировки:*<br>*Declared means of conveyance:* | |

| | |
|---|---|
| 8. Маҳсулотнинг номи ва ўсимликнинг қайд этилган ботаник номи, миқдори:<br>*Наименование продукции и ботанических названий растений заявленное количество:*<br>*Name of produce and declared botanical name of plants:* | 9. Жой сони ва қадоқнинг тавсифи:<br>*Количество мест и описание упаковки:*<br>*Number and description of packages:* |

10. Ушбу билан тасдиқланадики, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари, ёки бошқа ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар мавжуд бўлган усул ва (ёки) қоидалар асосида текширилиб, карантин ва бошқа зарар етказиши мумкин бўлган организмлардан холи бўлиб, импорт қилинаётган давлатнинг фитосанитар талабларига жавоб беради.
*Настоящим удостоверяется, что растения, растительные продукты или другие подкарантинные материалы, описанные выше, были обследованы и или проанализированы согласно существующим процедурам и признаны свободными от карантинных вредных организмов, перечисленных импортирующей договаривающейся стороной, и отвечают действующим фитосанитарным правилам импортирующей договаривающейся стороны, включая таковые и для регулируемых не карантинных вредных организмов.*
*This is to certify that the plants, plant products or other regulated articles described herein have been inspected and/or tested to according appropriate official procedures and considered to be free from quarantine pests, specified by the importing contracting party and to conform with current phytosanitary requirements of the importing contracting party, including those for regulated non-quarantine pest.*

11. Қўшимча маълумотлар/*Дополнительная информация/ Additional information :*

| | | |
|---|---|---|
| **Зарарсизлантириш / *Обеззараживание/ Disinfection treatment:*** | | Берилган жойи:<br>*Место выдачи:*<br>*Place of issue* |
| 12. Ишлов усули:<br>*Способ обработки:*<br>*Treatment method :* | | Сана/ *Дата/Date:* |
| 13. Кимёвий восита (таъсир этувчи модда):<br>*Химикат (действующее вещество):*<br>*Chemical(active ingredient)* | 14. Давомийлиги ва ҳарорати:<br>*Экспозиция и температура:*<br>*Duration and temperature* | Ўсимликлар карантини давлат инспектори:<br>*Государственный инспектор по карантину растений:*<br>*State inspector for plant quarantine :*<br><br>Имзо<br>*Подпись*<br>*Signature*<br><br>М.Ў<br>*М.П.*<br>Stamp |
| 15. Концентрацияси:<br>*Концентрация:*<br>*Concentration:* | 16. Сана/<br>*Дата/*<br>*Date/* | |
| 17. Қўшимча маълумот:<br>*Дополнительная информация:*<br>*Additional information :* | | |

Изоҳ. Ушбу фитосанитар сертификати билан юкка тегишли бўлган ҳар қандай молиявий жавобгарлик Ўсимликлар карантини хизмати ёки унинг ходими ҳамда вакиллари зиммасига юклатилмайди.

Примечание. Никаких финансовых обязательств в отношении настоящего сертификата и груза не налагается на службу по карантину растений или на кого-либо из ее инспекторов или представителей.

Note. No financial liability with respect to this certificate shall attach to Uzmainstatequarantine or to any inspectors and representatives

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3а-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
**«ЎЗДАВКАРАНТИН»**

STATE PLANTS QUARANTINE INSPECTION
UNDER THE CABINET OF MINISTERS OF
THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN
**«UZSTATEQUARANTINE»**

| | |
|---|---|
| *1. Экспортёр ва унинг манзили:*<br>*Экспортёр и его адрес:*<br>*Name and address of exporter:* | **2. ФИТОСАНИТАР СЕРТИФИКАТИ**<br>**ФИТОСАНИТАРНЫЙ СЕРТИФИКАТ**<br>**PHYTOSANITARY CERTIFICATE**<br><br>**UZ-RE №________________** |
| 3. Юк қабул қилувчи ва унинг манзили:<br>*Получатель и его адрес:*<br>*Declared name and address of consignee:* | 4. Қаерга: Ўсимликлар карантини ташкилотига<br>*Кому: Организации по карантину растений*<br>To: *Plant protection and quarantine organization of* |
| | 5. Қайд этилган олиб кириладиган маскан:<br>*Заявленный пункт ввоза:*<br>*Declared point of entry:* |
| 6 Ишлаб чиқарилган жойи:<br>*Место происхождения:*<br>*Place of origin:* | 7. Қайд этилган транспортда ташиш усули:<br>*Заявленный способ транспортировки:*<br>*Declared means of conveyance:* |
| 8. Маҳсулотнинг номи ва ўсимликнинг қайд этилган ботаник номи, миқдори:<br>*Наименование продукции и ботанических названий растений заявленное количество:*<br>*Name of produce and declared botanical name of plants:* | 9. Жой сони ва қадоқнинг тавсифи:<br>*Количество мест и описание упаковки:*<br>*Number and description of packages:* |

10. - Ушбу билан тасдиқланадики/ Настоящим удостоверяется, что/ This is to certify that
- юқорида кўрсатилган ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ёки бошқа карантин остидаги юкларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган (реэкспорт давлати) дан/ растения, растительные продукты или другие регулируемые изделия, описанные выше, были импортированы в Республику Узбекистан (страна реэкспорта) из/ the plants, plant products or other regulated articles described above were imported into the Republic of Uzbekistan (country of re-export) from……………………………………………………………………………………………… давлати томонидан берилган фитосанитар сертификати/ (страна происхождения), на основании Фитосанитарного сертификата/ (country of origin) covered by Phytosanitary Certificate No……………………………, ҳақиқий фитосанитар сертификати/ Оригинал/ original ☐ аслига тўғри нусхаси/ заверенная подлинная копия/ certified true copy ☐ ҳақиқий сертификатга қўшимча/ которого прилагается к этому сертификату/ of which is attached to this certificate ☐, қадоқланган/ что они упакованы/ that they are packed ☐ қайта қадоқланган/ переупакованы/ repacked ☐ в оригинальных/ in original ☐ новых/ new ☐ контейнерлар фитосанитар талабларига жавоб беради/ контейнерах на основе оригинального фитосанитарного сертификата/ containers based on the original Phytosanitary Certificate ☐ қўшимча текширувлар асосида/ и дополнительной проверки/ and additional inspection ☐, импорт қилувчи ҳамда келишувчи томонларнинг фитосанитар талабларига жавоб беради/ они считаются соответствующими действующим фитосанитарным требования страны-импортера и/ they are considered to conform with the current phytosanitary requirements of the importing country, and/ ҳамда Ўзбекистонда (реэкспорт давлати) сақлаш вақтида юкнинг зарарли организмлар билан зарарланиш хавфи мавжуд эмас/ при хранении в Республике Узбекистан (страна реэкспорта) груз не подвергался риску перезаражения или заражения/ during storage in the Republic of Uzbekistan (country of re-export), the consignment has not been subjected to the risk of infestation or infection.
(*)Мавжуд бўлган квадратни белгиланг/ Вставить галочку в соответствующие поля/ Insert tick in appropriate boxes

11. Қўшимча маълумотлар/ *Дополнительная информация/Additional information* :

| | | |
|---|---|---|
| ***Зарарсизлантириш /Обеззараживание/ disinfection treatment:*** | | Берилган жойи:<br>*Место выдачи:*<br>*Place of issue:* |
| 12. Ишлов усули:<br>*Способ обработки:*<br>*Treatment method :* | | Сана/ *Дата/Date* |
| 13. Кимёвий восита (таъсир этувчи модда):<br>*Химикат (действующее вещество):*<br>*Chemical(active ingredient)* | 14. Давомийлиги ва ҳарорати:<br>*Экспозиция и температура:*<br>*Duration and temperature:* | Ўсимликлар карантини давлат инспектори:<br>*Государственный инспектор по карантину растений:*<br>*State inspector for plant quarantine :* |
| 15. Концентрацияси:<br>*Концентрация:* | 16. Сана/ *Дата/Date* | Имзо<br>*Подпись*<br>*Signature* |
| 17. Қўшимча маълумот:<br>*Дополнительная информация:*<br>*Additional information :* | | М.Ў<br>*М.П*<br>Stamp |

Изоҳ. Ушбу фитосанитар сертификати билан юкка тегишли бўлган ҳар қандай молиявий жавобгарлик Ўсимликлар карантини хизмати ёки унинг ходими ҳамда вакиллари зиммасига юклатилмайди.

Примечание. Никаких финансовых обязательств в отношении настоящего сертификата и груза не налагается на службу по карантину растений или на кого-либо из ее инспекторов или представителей.

Note: No financial liability with respect to this certificate shall attach to Uzstatequarantine or to any inspectors and representatives

## FRANCAIS

1. Nom et adresse de l'expéditeur
2. Certificat phytosanitaire N°
3. Nom et adresse déclarés du destinataire
4. Organisation de la protection des végétaux

5. Lieu d'origine
6. Moyen de transport déclaré
7. Point d'entrée déclaré
8. Marques des colis; nombre et nature des colis; nom du produit; nom botanique des plantes
9. Quantité déclarée
10.

11. Déclaration supplémentaire
Traitement de désinfestation et/ou de désinfection
12. Traitement
13. Produit chimique (matière active)
14. Durée et température
15. Concentration
16. Date
17. Renseignements complémentaires
Lieu de délivrance
Date
Nom et signature du fonctionnaire autoris
Cachet de l'Organisation

## ESPAÑOL / ESPAGNOL

1 Nombre y dirección del exportador
2 **Certificado Fitosanitario**
3 Nombre y dirección declarados del destinatario
4 Organización de Protección Fitosanitaria de A: Organización(es) de Protección Fitosanitaria de
5 Lugar de origen
Medios de transporte declarados
Punto de entrada declarado
Marcas distintitas, numero y descripción de los bultos nombre del producto
ombre botánico de las plantas
9 ntidad declarada
10

adicional
desinfestación y/o desinfección
(ingrediente activo)
ción y t atura
entración
cha / Nombre del funcionario autorizado / Sello de la

## 中文 / Chinois

1 出口商名称和地址
2 植物卫生证明
3 收货方名称和地址
4 从___的植物保护机构致___________的植
5 原产地
6 运输方式
7 入境地
8 包装品数目和性质 标记、产品名称、 名称
9 数量
10

11 补充声明
预防侵入 或者预防感染处理
12 处理
13 化 活性材料）
14 期 度
15
16
17

法国及其任何机构或代表对此卫生证明均不承担财务责任。

## عربي

1 اسم وعنوان الجهة المُصدِّرة
2 شهادة صحة نباتية
3 اسم وعنوان المُرسَل إليه المص
4 جهاز الحماية النباتية في
في جهاز (أجهزة) الحماية النباتية
5 المصدر:
6 وسيلة النقل المُصرَّح
7 منفذ الدخول المُصر
8 عدد ونوع الطرو ت المدوّنة على الطرود، نوع المُنتَج، الاسم النباتي للنباتات
9 الكمية المُصرَّح
10

11 تص ي
ب الطفيليات و/أو الفساد
12
13 كيميائي (مادة نشطة)
14
15
16 التاريخ
17 معلومات إضافية
مكان الإصدار
اسم وتوقيع الموظف المسؤول
ختم المنظمة

لا تتحمل دولة فرنسا، ولا أيّ من وكالاتها أو ممثليها، أيّة مسؤولية مالية جرّاء هذه الشهادة.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3б-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**0000000 — СОНЛИ ИЧКИ ФИТОСАНИТАРИЯ СЕРТИФИКАТИ**

______________________________Ўсимликлар карантини давлат нспекцияси
Юридик ёки жисмоний шахс номи ва манзили:______________________________
______________________________ СТИР:______________________________
Карантин остидаги маҳсулот номи ва миқдори:______________________________
______________________________
Маҳсулот етиштирилган жой: ______________________________

**Ушбу карантин остидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-484-сон Қонунининг 6-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига асосан карантин назоратидан ўтказилди ҳамда ўсимликлар карантини объектларидан холи эканлиги аниқланди.**

**ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ:**
(фумигация қилиш)

Зарарсизлантириш далолатномаси №: ____________ Берилган санаси: ______________

Қўшимча маълумотлар:______________________________
______________________________
Давлат инспектори: ________________ Имзоси:__________Берилган вақти: ______________
QR Code

*(3б-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сонли қарорига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.02.2018 й., 09/18/65/0639-сон, 19.09.2019 й., 09/19/787/3770-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 23.01.2021 й., 09/21/32/0058-сон)*